*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси**

**7 июнь, чоршанба, 1995 йил**
**Сотувда эркин нархда. № 107 (1109)**

## ПРЕЗИДЕНТ РИГАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

6 июнь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Латвия Республикасига жўнаб кетди.

Ўзбекистон Президенти Латвиядан сўнг яна бир Болтиқбўйи мамлакати — Литва Республикасига ҳам давлат ташрифи билан боради. Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан журналистлар билан қисқача суҳбатлашди.

— Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён жаҳондаги кўплаб давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқда, — деди Ислом Каримов. — Бугун ушбу ҳамкорлик республика истиқболи ва равнақи учун хизмат қилаётир. Болтиқбўйи давлатлари — Латвия ва Литва республикалари билан дипломатия алоқалари ўрнатилган бўлса-да, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларига ҳали пойдевор қўйилмаган эди. Бизнинг мақсадимиз ана шу давлатлар билан иқтисодий, маданий, савдо, транспорт қатнови, коммуникация ва бошқа соҳаларда кенг ҳамкорлик қилишдир. Бу эса Ўзбекистонга Болтиқбўйи республикалари орқали Европа билан янада яқин алоқа боғлаш имконини яратади.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

**(ЎзА).**

## ЛАТВИЯ ЗАМИНИДАГИ УЧРАШУВЛАР

**6 июнь, Рига. (ЎзА махсус мухбири Ғулом Мирзо хабар қилади).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Латвия Республикаси пойтахти Рига шаҳрига келди. Ўзбекистон ва Латвия байроқлари билан безатилган Рига халқаро аэропортида Президент Ислом Каримовга Латвия Бош вазири Марис Гайлис пешвоз чиқди. Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, икки давлат мадҳиялари янгради. Кутиб олиш маросимида хорижий давлатларнинг Латвия Республикасидаги дипломатия вакиллари ҳозир бўлди.

Машиналар карвони мамлакатимиз раҳбари учун ажратилган Юрмала қароргоҳига йўл олди.

Рига қўрғонининг Оқ залида Президент Ислом Каримов билан Латвия Президенти Гунтис Улманис ўртасида расмий учрашув маросими бўлиб ўтди. Ҳар икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар Ўзбекистон расмий делегацияси аъзолари ҳамда Латвия ҳукумати аъзолари, шунингдек, хорижий дипломатия вакиллари билан танишдилар. Шундан сўнг муҳташам залда икки давлат Президентлари ўртасида яккама-якка суҳбат бошланди. Мулоқотлар ниҳоясида қўшма ҳужжатлар имзоланди.

Жумладан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Латвия Президенти Гунтис Улманис «Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома»ни имзоладилар. Икки давлат ташқи ишлар вазирлари Абдулазиз Комилов ва Валдис Биркавс эса Ўзбекистон ҳукумати билан Латвия ҳукумати ўртасида транспорт, ҳаво алоқаси, сайёҳлик ҳамда илмий-техник соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни имзоладилар. Бундан ташқари, икки давлат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протокол ҳам имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**



*Пахтачи тумани пиллакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга пилла топшириш режасини бажаришди.*

*Туман пиллачилик ширкати раиси Бердиёр Қувондиқовнинг айтишича, бу йил ҳосил кутилганидан ҳам мўл бўлди. Давлатга 252 тоннага яқин, яъни ўтган йилгидан 20 тонна кўп пилла топшириш мўлжалланаяпти.*

*СУРАТДА: пиллакор Муҳайё Муҳаммадиева бу мавсумда мўл «кумуш тола» етиштирди.*

**Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲАРБИЙ ДОКТРИНАСИ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллансин.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси асослари халқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинсин.
3. Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда тушган таклифларни умумлаштирсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринасининг такомилига етказилган лойиҳасини Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 6 май.

**(Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси асослари 2-саҳифада берилаяпти).**

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МУРОЖААТИ

Биз қадим Турон — Туркистондек буюк юртнинг фарзандларимиз. Томиримиз, дилимиз, динимиз бир. Мақсадларимиз муштарак. Асрлар оша елкадош бўлиб, ҳамфикр, ҳамсоя бўлиб яшаб келаяпмиз. Оға-инимиз, қуда-андамиз. Ҳар доим бир-биримизнинг ғалабаларимиздан қувониб, фахрланиб келганмиз. Ўзбекистонлик Руфат Рисқиев, қозоғистонлик Серик Кўноқбоев, қирғизистонлик Орузбек Назаров, тожикистонлик Саидмўмин Раҳимов, туркманистонлик Алмурот Ораздурдиев каби спортимиз юлдузлари ҳаммамизнинг ифтихоримиз.

Мустақил давлатларимиз раҳбарлари халқларимиз бирлиги, тинчлиги, буюк келажаги йўлида барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Халқлар ўртасида дўстликни, тинчликни мустаҳкамлашда спорт беқиёс аҳамиятга эга. Биз, спорт аҳли ватандошларимиз эзгу ниятлари амалга ошишига катта ҳисса қўшиш воситасига эгамиз. Бу — спорт мусобақаларидир. Шу боис Шарқнинг дарвозаси ҳисобланмиш Тошкентда Марказий Осиё ўйинларини ўтказишга қарор қилиниши эзгу ниятларимиз ижобатидир. Уни Марказий Осиё олимпиадаси деб аташ мумкин. Бу олимпиаданинг бошқаларидан фарқи шундаки, унда қон-қариндошлар, оға-инилар иштирок этади.

Халқаро олимпия қўмитаси тасарруфида Тошкентда ўтадиган 1-Марказий Осиё ўйинлари ҳаммамизнинг тўйимиз, умумий спорт байрамимиз. Уни чиройли, юқори савияда ўтказишга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим. Бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилсаккина мақсадларимизга эришамиз. Ана шундай ҳамкорлик орқали биз тезроқ дунё спортига чиқамиз ва муносиб мавқега эга бўламиз.

Биз барча спортчилар, мураббийлар, мухлислар ва ватандошларимизга мурожаат қилиб, шундай демоқчимиз: Туркистон — умумий уйимиз. Бу юртнинг спорти довруғли, эртанги куни порлоқ бўлиши учун куч-қувватимизни аямайлик, ҳар доим ҳамнафас, ҳамқадам бўлайлик.

**Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти**
**Собиржон РЎЗИЕВ,**
**Қозоғистон Миллий олимпия қўмитаси президенти**
**Омонта ОҚПАЕВ,**
**Қирғизистон Миллий олимпия қўмитаси президенти**
**Эшим Қутманалиев,**
**Туркманистон Миллий олимпия қўмитаси вице-президенти**
**Нурали ОТАЕВ,**
**Тожикистон Миллий олимпия қўмитаси бош котиби**
**Ширинжон МАМАДСАФОЕВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 6 июнда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўн учта банки иштирок этди.

Сотув ҳажми 15,60 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 28,40 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1995 йил 7 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади. *)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 20,41 |
| 1 Австрия шиллинги | 2,86 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 45,13 |
| 10 Бельгия франки | 9,81 |
| 1 Голландия гульдени | 17,97 |
| 10 Греция драхми | 1,25 |
| 1 Дания кронаси | 5,16 |
| 1 АҚШ доллари | 28,40 |
| 1 Миср фунти | 8,31 |
| 1 Ирландия фунти | 46,15 |
| 1 Исландия кронаси | 0,45 |
| 10 Испания песети | 2,33 |
| 100 Италия лираси | 1,74 |
| 1 Канада доллари | 20,62 |
| 1 Кувайт динори | 95,19 |
| 100 Ливан фунти | 1,75 |
| 1 Германия маркаси | 20,10 |
| 1 Норвегия кронаси | 4,53 |
| 10 Португалия эскудоси | 1,91 |
| 1 Сингапур доллари | 20,36 |
| 1000 Туркия лираси | 0,66 |
| 1 Финляндия маркаси | 6,58 |
| 4 Франция франки | 5,75 |
| 1 Швеция кронаси | 3,92 |
| 1 Швейцария франки | 24,50 |
| 1 ЭКЮ | 37,22 |
| 10 Япония иенаси | 3,34 |
| 1000 Россия рубли | 5,73 |
| 1 Эстония кронаси | 2,52 |
| 1000 Украина карбованеци | 0,20 |
| 1 Латвия лати | 54,93 |
| 1 Литва лити | 7,10 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 0,45 |
| 1 Молдова лейи | 6,21 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,47 |

Марказий банк 1995 йил 7 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 28,40 сўм.

— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 28,40 сўм.

Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## ЯНА БИР НЕФТЬ КОНИ

***Қоровулбозордан 30 километр нарида Камалак нефть кони топилди.***

Бухоро геофизика экспедицияси жамоаси вилоятда ер ости ва қазилма бойликларини топиш борасида самарали изланишлар олиб бораяпти. Камалак нефть конининг топилиши фикримиз исботидир.

Ҳозир бу масканда геофизик ишлар жадал давом эттирилмоқда.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Биронтаям танқид натижасиз қолмайди

### «НЕГА ҚУЛОҒИГАЧА ҚАРЗГА БОТДИ?»

**(«Халқ сўзи», 1995 йил, 25 апрель)**

***Газетамизда юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасида тўпланиб қолган муаммолар ҳал этилмаётганлиги туфайли корхона жамоаси тобора қарзга ботиб бораётганлиги аниқ далиллар асосида кўрсатиб берилганди. Биз мақола юзасида мутасадди ташкилотлардан жавоблар олдик. Қуйидаги жавоб Ўзбекистон давлат акционерлик «Савдо» уюшмаси раиси З. ФАЙЗИЕВдан келган.***

«Ўзбексавдо» давлат акционерлик уюшмаси мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қилади:

1994 йилга қадар республикамиз аҳолисининг чойга бўлган эҳтиёжи ҳақиқатан ҳам 31 минг тоннани ташкил қилар эди. 1994 йилдан бошлаб нархлар ошиши сабабли чойга бўлган талаб кескин қисқарди ва сотиш ҳажми бир минг тоннага камайди.

Бунга чой қутиларининг кўримсизлиги, шу туфайли асосан 0,5—1 кг. қилиб полиэтилен пакетларга қадоқланиши, ёт қўшилмалар мавжудлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Жорий йилнинг тўрт ойи давомидаги иш якунини таҳлил қилиб, аҳоли таъминоти ва саноатда юзага келган вазиятни яхшилаш мақсадида «Озиқовқатсаноат» уюшмасига таклифлар билан хат юборилди.

«Озиқовқатсаноат» уюшмасининг 15 майгача бўлган маълумотига қараганда, барча республика савдо ташкилотлари ва корхоналарининг қарзлари 56 млн. сўмдан (шу жумладан «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси 22,7 млн. сўм) иборат. Жорий йилнинг 1 майига келиб, савдода 100 млн. сўмлик чой манбалари мавжуд. Ёз мавсуми бошланиши муносабати билан 56 млн. сўмлик чой бир-бир ярим ой мобайнида сотилиб пули тўланади, дейиш мумкин.

Ҳозирги вақтда савдо ташкилотлари чойнинг харид нархига 20 фоиз устама қўймоқдалар.

Чой тақсимоти аҳоли сонига ва кўп йиллик кузатишлар асосида шаклланган ҳақиқий истеъмол ҳажми кўрсаткичини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади.

Аммо жорий йилнинг январь-апрель ойларида аҳолининг чойга талаби кескин пасайиши ва айлан[illegible] маблағлар етишмаслиги н[illegible]жасида барча вилоятлардаги савдо ташкилотлари, корхоналар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 5 баробар кам чой олдилар.

Юзага келган вазиятни ва Самарқанд чой фабрикасининг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида «Озиқовқатсаноат» уюшмасининг илтимосига кўра, республика Вазирлар Маҳкамасига шу йил II чорак давомида чойни, мулк шаклидан қатъий назар, барча тўлов қобилиятига эга бўлган савдо ташкилотлари ва корхоналарига сотишга рухсат этиш ҳақида таклиф киритилди.

Чойни савдога кичик ҳажмда, чиройли безакланган, сифатли ҳолда чиқаришни йўлга қўйишни кечиктирмай ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масала деб ҳисоблаймиз».

**Мана бу мактубни эса Ўзбекистон Республикаси «Озиқовқатсаноат» уюшмаси раиси А. ҚОСИМХЎЖАЕВ йўллаган.**

«Газетада чоп этилган «Нега қулоғигача қарзга ботди?» мақоласи «Озиқовқатсаноат» уюшмасининг ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўлими ходимлари, корхона раҳбарлари, бош мутахассислари иштирокида муҳокама қилинди.

Дарҳақиқат, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасининг молиявий аҳволи 1994 йилнинг 2-ярмидан бошлаб ёмонлаша бошлади, натижада 1995 йилнинг апрелига дебиторлик қарзлари 58 млн. сўмга, кредиторлик қарзлари эса 570 млн. сўмга етди. Шунинг 476 млн. сўми чой хомашёси эвазига жўнатилган пахта толаси учундир.

Фабрикада вужудга келган бу аҳволни қуйидагилар билан тушунтириш мумкин:

Савдо ташкилотлари ўзларига ажратилган қадоқланган чойнинг ойлик фондларини ўз вақтида олмаяптилар ва унинг ҳақини ўз вақтида тўламаяптилар. Чунончи, 1994 йил сентябридан 1995 йил апрелигача бўлган муддатда савдога етказиб беришга режалаштирилган 18,6 минг тонна қадоқланган чойнинг атиги 4,8 минг тоннаси олинган, холос. Натижада мазкур корхонада 1995 йилнинг 1 майига умумий қиймати 520 млн. сўм бўлган 13 минг тонна, шу жумладан 9,8 минг тонна кўк чой хомашёси қолдиғи вужудга келди.

Ҳар хил тижорат ва бошқа тизилмалар республикага қадоқланган чой олиб келишмоқда. «Ўзистиқболстат»дан олинган маълумотларга кўра, 1994 йилда республикага 12 минг тонна қадоқланган чой келтирилган.

МДҲ мамлакатларидан (Россия, Украина) келтириладиган ва чойни кичик идишларда қадоқлашда ишлатиладиган ўраш материаллари етишмайди.

Чой қадоқлаш фабрикаси фаолиятини барқарорлаштириш мақсадида «Озиқовқатсаноат» уюшмаси ва корхона раҳбарлари томонидан бир қатор ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган.

Ички бозорни ҳимоялаш ва чой хомашёси қолдиғини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар хил тижорат ва бошқа тизилмалар томонидан республикага олиб келинаётган чойга акциз солиғи белгилашни ва қадоқланган чойни республика миқёсида, мулк шаклидан қатъий назар, пули бор ташкилотларга сотишга рухсат беришни сўраб мактублар юборилди. 1995 йил 25 майда республика ҳукумати фабрикага 1 июлгача кўк чойни Ўзбекистоннинг барча пул тўлашга қодир ташкилотларига сотишга рухсат берди.

Фабрикада мавжуд чой хомашёси қолдиғини камайтириш мақсадида Хитой Халқ Республикасидан келтиришга мўлжалланган 5 минг тонна кўк чойни олиш вақтинча тўхтатилди.

Чойни қадоқлашда ишлатиладиган ёрдамчи материалларни бартер усули билан МДҲ мамлакатларидан олиб келиш учун фабрикага 1000 тонна ферментланган тамаки ажратилди. Бу фабрика жамоасининг Россия ва Беларусь корхоналари билан чой қадоқлаш автоматини ишга туширишда керак бўладиган «Хром эрзац»ни етказиб бериш бўйича шартнома тузишига имкон яратди.

Қадоқланган чой сифатини яхшилаш ва унинг рақобатдошлигини ошириш мақсадида Ҳиндистондан 26 та чой қадоқлаш дастгоҳи сотиб олинди. Улардан 13 таси бугунги кунда Одесса портига келтирилган.

Индонезиянинг «Примо-Комексиндо» фирмаси билан Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси ўртасида қўшма корхона тузиш бўйича тегишли музокаралар олиб борилмоқда.

Кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш чой қадоқлаш фабрикасининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини барқарорлаштиришга ёрдам беради».

*** ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР ***

**ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ**

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### ТУМАН ЭҲТИЁЖИГА ЕТАДИ

***Қонликўл туманида кичик электр станцияси қуриб фойдаланишга топширилди.***

Қуввати 35 киловаттли бу нур манбаи туманнинг электрга бўлган талабини қондиради. Энди шолизорларга сув чиқариш учун ишлатиладиган электр қуввати сарфи анча камаяди.

### «ТОҲИР ВА ЗУҲРА»НИНГ ОЛТИН ТЎЙИ

***«Тоҳир ва Зуҳра» фильми экран юзини кўрганига 50 йил тўлди.***

Ўзбекистон кинематографчилар уюшмаси раиси Малик Қаюмов йиғилганларни табриклаб, бугунги байрам бутун ўзбек санъатининг тантанаси эканини таъкидлади. Асар бош қаҳрамонлари образини яратган Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Ризаева ва республикада хизмат кўрсатган артист Ғулом Тожиаълоевлар картинанинг яратилишига оид хотираларидан сўзлаб беришди.

### СТИВИЯ КЎЧАТИ ЎТҚАЗИЛЯПТИ

***Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалиги иссиқхонасида ўстирилаётган стивия — шакарўт кўчати далага кўчириб ўтқазилмоқда.***

Ҳозиргача 2 гектар майдонга стивия олиб чиқилди. Бундан ташқари, 300 мингта стивия кўчати тайёрлаб қўйилди. Унинг 200 мингтаси Дўстлик туманидаги «Оқ олтин» хўжалигига сотилди. Вилоятда бу йил 10 гектар майдонда стивия етиштирилади.

### НИЯТЛАРИ ХОЛИС



**Жарқўрғон туманидаги Т. Шабуров номли жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил 635 гектар майдонга буғдой экишган эди. Агротехника тадбирлари вақтида ўтказилганлиги боис далаларда мўл ҳосил етиштирилди. Улар гектаридан 40 центнердан ғалла олишмоқчи.**

**СУРАТДА: механизатор Н. Силаев.**

### ФЕРМЕР ЗАВОД ҚУРМОҚЧИ

***Сирдарё вилоятининг Ховос туманидаги Сармич қишлоғилик фермер Қ. Дадажонов завод қуришга қарор қилди.***

Икки йил олдин у Тимирязев номидаги жамоа хўжалигида фермер хўжалиги ташкил этган эди.

Фермернинг бу йилги режалари янада катта. У йил охиригача 4,5 тонна сут, 1,5 тонна гўшт етиштиришни мақсад қилган. Лекин унинг қишлоғи шаҳардан анча узоқ бўлгани учун маҳсулотни сотиш қийин бўлаяпти. Шу боис у қишлоқнинг ўзида сутни қайта ишлайдиган кичик завод қурмоқчи. Қодиржон бу заводни шу йил охиригача ишга тушириш ниятида.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲАРБИЙ ДОКТРИНАСИ АСОСЛАРИ

***Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси асослари Олий Мажлис сессиясида биринчи ўқишда кўриб чиқилган Ҳарбий доктрина мазмунининг баёни бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик умумдавлат концепциясининг ҳарбий-сиёсий қисмига ҳамда мамлакатни ва Қуролли Кучларни мудофаага тайёрлашга доир Ўзбекистон Республикасида расмий қабул қилинган қарашларни акс эттиради.***

***Ушбу ҳужжат Ҳарбий доктринанинг умумий қоидалари, сиёсий ва ҳарбий-ташкилий жиҳатларидан иборатдир.***

## Умумий қоидалар

Ҳарбий доктрина Ўзбекистон Республикаси мудофаа сиёсатининг асосини ташкил этади. Бу сиёсат «Мустақиллик Декларацияси», «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қоидаларига, Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа халқаро ташкилотларнинг аъзоси сифатидаги мажбуриятларига асосланади.

***Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганлигига асосланиб ва халқаро майдонда сиёсий кучлар янгича жойлашувининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, демократик ислоҳотларни амалга ошириш учун Ўзбекистонга жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлаш ва давлатнинг пухта хавфсизлигини таъминлаш ҳаётий зарурдир.***

Шу муносабат билан:

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат ва халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида ўзининг ташқи ва мудофаа сиёсатини барча мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, уларнинг суверенитети ва мустақиллигини, шунингдек давлатлараро шаклланган чегараларнинг яхлитлиги ва ўзгармаслигини ҳурмат қилиш принципларига асослайди;

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи сиёсатини барча давлатлар билан кўп томонлама алоқалар ўрнатиш ва бу алоқаларни ривожлантиришга, ялпи тинчликка, ижтимоий-сиёсий барқарорликка ва қуролсизланишга эришиш мақсадларига қаратади;

Ўзбекистон Республикаси барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш ўз халқининг турмушини яхшилаш учун, халқаро ҳуқуқнинг умум томонидан эътироф этилган нормаларига, демократия ва ижтимоий адолат принципларига асосланган ижтимоий тузумни мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратади, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда тинчликсеварлик йўлидан бориб, айни вақтда ўз фуқароларининг ҳаёти ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига мувофиқ ўзини-ўзи мудофаа қилишдан иборат ажралмас ҳуқуқини амалга оширади, давлатнинг зарур даража билан кифояланган ҳарбий қудратга ва мудофаа қобилиятига эга бўлишини таъминлайди. Булар Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунида ўз ифодасини топган бўлиб, унда давлат органлари ва маҳаллий бошқарув органларининг республика мудофаа қобилиятини таъминлаш борасидаги ишларни йўлга қўйиш, бошқариш асоси, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

## I. Доктринанинг сиёсий жиҳатлари

***Урушга ва ҳарбий можароларга ўз муносабатини ифодалаб, Ўзбекистон Республикаси шуни баралла эълон қиладики, у:***

жаҳондаги бирорта ҳам давлатни ўзининг душмани деб ҳисобламайди, улардан бирортасига ҳам ҳудудий ёки бошқа бир даъвоси йўқ;

халқаро муаммоларни, давлатлараро сиёсий ва иқтисодий зиддиятларни уруш йўли билан ҳал этишга қатъиян қарши чиқади;

жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасида ҳарбий можаролар чиқишининг олдини олиш учун уруш хавфини бартараф этиш дипломатиясида фаол иштирок этишни, зиддиятлар кескинлашиб кетишининг сабабларига барҳам беришга ёки уларни енгишга куч-ғайрат сарфлашни ўз ташқи сиёсатининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди.

***Мамлакат ташқи сиёсатининг устивор стратегик йўналиши бўлмиш урушнинг олдини олиш ишида Ўзбекистон Республикаси шуни қайд этадики, у:***

ўзи ёки Ўзбекистон билан ўзаро ҳарбий ёрдам тўғрисидаги тегишли битимлар орқали боғланган иттифоқчилари тажовуз объекти бўлмасалар, бирорта ҳам давлатга қарши биринчи бўлиб ҳарбий ҳаракатлар бошламайди;

ҳеч кимга таҳдид солмайди, барча мамлакатлар билан хавфсизлик манфаатларини ўзаро ҳисобга олган ҳолда муносабатлар ўрнатишга тайёр;

ядро қуролисиз яшаш приципларига амал қилади: ядро қуролини жойлаштирмайди, ишлаб чиқармайди ва сотиб олмайди.

Ўзбекистон Республикаси:

Ер юзида хавфсизликни, жаҳон ҳамжамияти лоқайд кузатувчиликдан фаол тинчликпарварликка ўтишини таъминлашга хизмат қиладиган жаҳон институти бўлмиш БМТнинг ролини оширишни;

Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан БМТнинг доимий семинарини чақиришни;

манфаатдор давлатлар ва жаҳон ҳамжамиятининг фаол иштирокида Марказий Осиё учун минтақавий хавфсизлик тизими яратишни;

Ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани муҳлатсиз узайтиришни, ядро қуроллари синовини ёппасига тақиқлаш ва пировард натижада уларни бутунлай йўқ қилишни;

Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилишни;

кимёвий, бактериологик ва бошқа турлардаги ялпи қирғин қуролларини ҳамма ерда йўқ қилишни, Ўзбекистон Республикасининг Кимёвий қуролларни тақиқлаш тўғрисидаги Конвенцияга ва бактериологик қуролларни тақиқлаш муаммолари юзасидан музокараларга қўшилишини;

одамларнинг руҳиятига ҳалокатли таъсир этадиган воситалар, тектоник ва бошқа турлардаги қуроллар яратилишини, синовдан ўтказилиши ва ишлаб чиқарилишини тақиқлашни;

минтақага қурол-яроғлар етказиб берилиши ва сотилиши устидан самарали назорат ўрнатиш, шу жумладан, қонунсиз ҳарбий тузилмаларни қурол билан таъминлашнинг олдини олиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишни, бу чора-тадбирларга ахборотлар алмашувини, ўзаро текширувларни, мунтазам маслаҳатлашувларни, назорат қилишнинг миллий воситаларидан фойдаланишни асос қилиб олишни;

конверсияни фаол амалга ошираётган мамлакатларнинг куч-ғайратлари жаҳон ҳамжамияти томонидан рағбатлантирилишини, уларни беғараз ёрдам ва имтиёзли кредитлар бериш йўли билан моддий жиҳатдан қўллаб-қуватлашни;

бирорта ҳам давлат тинчлик даврида ёйилган қўшин гуруҳларининг кучлари билан кенг кўламда ҳужум ҳаракатларини амалга ошириш имкониятига эга бўлмасин учун барча мамлакатларда оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучлар босқичма-босқич қисқартирилишини;

барча манфаатдор давлатлар билан ҳарбий соҳадаги алоқаларни ривожлантиришни, можароли вазиятларнинг олдини олиш юзасидан битимлар тузишни;

давлатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишни, Шимолдаги ривожланган мамлакатлар билан Жанубдаги ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги ҳадиксирашни бартараф этишни;

ўтмишда Шарқ билан Ғарб ўртасида мавжуд бўлган мафкуравий муросасизликнинг миллий ва диний негизга асосланган янгича муросасизликка айланишига йўл қўймасликни;

фундаментализм, экстремизм, террорчилик кучайишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар кўришни;

барча давлатларнинг ҳарбий куч ишлатишдан ёки ҳарбий куч қўллаш билан таҳдид қилишдан ўзаро воз кечишини ва тинчлик муносабатларини қўллаб-қувватлаш мажбуриятларини қабул қилишини;

ўзга давлатларнинг ҳудудларидаги ҳарбий базалар изчил қисқартира борилиб, бутунлай йўқ қилинишини ва қўшинлар миллий чегаралар доирасида жойлаштирилишини;

ҳарбий-сиёсий иттифоқлар коллектив ва кенг кўламли халқаро хавфсизлик тизимининг янги тузилмаларига айлантирилишини урушнинг олдини олиш соҳасидаги ўз халқаро фаолиятининг яқин йиллардаги бош йўналиши деб ҳисоблайди.

***Урушнинг олдини олиш, халқаро барқарорликни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси уч поғонада хавфсизлик тузилмалари яратилишида иштирок этади, яъни:***

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ичида — Россия Федерацияси ва Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномани имзолаган бошқа давлатлар билан ҳамкорликни ташкил этиш орқали, умумий мудофаа майдони доирасида ягона ҳарбий сиёсат ва ҳарбий можароларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш орқали;

минтақада — Ўзбекистон Республикасининг ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар ҳамда Марказий Осиё минтақасига туташ бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилиши орқали;

дунё миқёсида — БМТ ва барча манфаатдор давлатлар билан стратегик барқарорликни сақлаб туриш бўйича ҳамкорлик қилиш орқали.

Ўзбекистон Республикаси урушнинг олдини олиш ишида, шунингдек, тинчликни сақлаб қолиш йўлидаги ҳаракатларида жаҳон ҳамжамиятининг барча тинчликсевар давлатларини ўз иттифоқчилари деб билишга тайёр.

## II. Доктринанинг ҳарбий-ташкилий жиҳатлари

***Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги жўғрофий-сиёсий ўрни шундайки, у ялпи қирғин қуроли, вайрон қилувчи қудратли кучга эга бўлган оддий қуроллар тўпланган, турли этник ва диний гуруҳларга мансуб аҳоли истиқомат қиладиган районлар яқинида жойлашган. Бу минтақадаги кўпгина мамлакатлар ўртасида том маънодаги чегаралар йўқ.***

***Умуман, жаҳондаги ва, энг аввало туташ минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият ёмон томонга ривожланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси олдида ўз хавфсизлигини таъминлаш масаласи кўндаланг бўлиши мумкин. Шу муносабат билан***

Ўзбекистон Республикаси дипломатия соҳасидаги ва тинчликка қаратилган бошқа саъй-ҳаракатлар ҳамиша ҳам урушнинг олдини олишга тўла кафолат бера олмаслигини назарда тутади, шу сабабли ўз мудофаа қобилиятини сақлаб туришни энг муҳим давлат вазифаларидан бири ва бутун халқ ишидир, деб ҳисоблайди.

***Ўзбекистон Республикаси ҳозирги замон урушларининг хусусияти ва оқибатларига баҳо берар экан, янги жаҳон урушининг келиб чиқиш эҳтимоли камайди, деб ҳисоблайди. Бироқ, дунёнинг турли минтақаларида жаҳон кўламидаги оқибатларга олиб келишга қодир ҳарбий можаролар содир бўлиши мумкин. Ҳозирги замон урушлари ва ҳарбий можароларнинг хавф-хатарини англаган ҳолда***

Ўзбекистон Республикаси ўзига ёки ўзининг иттифоқдоши бўлган ҳар қандай давлатга қарши қаратилган тажовузкорликнинг олдини олиш учун халқаро шартномаларга мувофиқ ҳарбий имкониятларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишни ўз ҳуқуқи деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳарбий-стратегик вазифалари:

тинчлик даврида — давлатнинг мудофаа қобилиятини республика дахлсизлиги таъминланишини кафолатлашга кифоя қиладиган даражада сақлаб туришдан, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига қарши қилиниши мумкин бўлган иғвогарликлар ва тажовузларнинг олдини олишдан, Қуролли Кучларнинг ҳужумлари ҳам мустақил тарзда, ҳам Умумий хавфсизлик тўғрисидаги шартнома қатнашчиси бўлган давлатларнинг Қуролли Кучлари билан ўзаро ҳамкорликда даф этиш учун ҳар тарафлама доимий тайёр туришини таъминлашдан;

уруш чиққан тақдирда — тажовузни кафолатли тарзда даф этиш, ҳам ўз кучлари билан, ҳам Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги давлатларнинг қўшма ҳарбий куч-қудрати билан кўп томонлама ва икки томонлама тузилган шартномаларга мувофиқ тажовузкорга қатъиян талафот етказишдан ҳамда уни урушни давом эттириш имкониятидан маҳрум этишдан иборатдир.

***Сақланиб турган ҳарбий хавф-хатарни, урушлар ва ҳарбий можароларнинг эҳтимол тутилган хусусиятини, мамлакатнинг мудофаага оид вазифалари ҳажмини ва иқтисодий имкониятларини баҳолаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларинц ташкил этишни, уларнинг таркибини такомиллаштириш ва тайёргарликдан ўтказишни амалга оширади, шунингдек уларни жанговар қўлланиш тамойилларини белгилайди.***

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари мунтазам, кадрлар армияси қоидаси асосида қурилади. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Қуролли Кучлар республика фуқароларининг умумий ҳарбий мажбурияти негизида фуқароларни ҳарбий хизматга чақириш билан ҳарбий хизматга битим асосида киришни уйғунлаштириш воситасида, экстерриториаллик, ҳуқуқий асосдаги яккабошчилик ва раҳбарликнинг марказлашуви, ижтимоий адолат ва барча ҳарбий хизматчиларнинг қонун олдидаги тенглиги асосида жамланади.

Ҳарбий мутахассислар тайёрлаш юзасидан муҳим давлат дастурлари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Бу гап, энг аввало, учувчилар, алоқачилар, ҳаво ҳужумидан мудофаа, компьютер ва электрон техника мутахассислари, чегарани қўриқлаш мутахассислари, шахсий таркиб билан ишлаш мутахассисларига тааллуқлидир. Шу мақсадда мавжуд олий ҳарбий ўқув юртлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг айрим ўқув юртлари ислоҳ қилинади.

Армияга чақирилишдан олдинги тайёргарликни тубдан ўзгартириш ва яхшилаш мўлжалланмоқда. Ўспирин ёшларни ҳамма ерда соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилади.

Қўшинларни жаҳон андазалари талабларига жавоб берадиган замонавий техника, қурол-яроғ билан таъминлашга, шунингдек, бу соҳада илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилади.

Шахсий таркибга таълим ва тарбия беришда асосий саъй-ҳаракат жанговар навбатчилик вазифаларини аниқ бажаришга, жанговар шайлик даражасини, қўшинларнинг оператив ва жанговар тайёргарлик сифатини оширишга, қурол-яроғ, ҳарбий техникани ва уларнинг самарали қўлланиш усулларини моҳирона эгаллашга, шахсий таркибда Ўзбекистон Республикасига, ўз халқига, Ҳарбий қасамёдга ва ҳарбий бурчга садоқатни, шунингдек, она-Ватанининг тарихи ва анъаналарига чуқур ҳурмат-эҳтиромни, ўз Ватанининг ҳимояси учун юксак шахсий масъулиятни шакллантиришга қаратилади.

***Ўзбекистон Республикаси минтақада ва умуман, дунёда урушлар ёки ҳарбий можароларга айланиб кетиши мумкин бўлган кескинлик сақланиб турганлигини ҳисобга олиб, қуйидаги мақсадларда Қуролли Кучларни қўлланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади:***

ўз давлати ва халқига қарши қаратилган тажовузни даф этиш;

биргаликда мудофааланиш юзасидан бошқа давлатлар билан тузилган икки томонлама ёки кўп томонлама битимлар доирасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирган давлатлар бошлиқларининг Кенгаши қарорларига мувофиқ тинчликни сақлаб туриш операцияларида қатнашиш;

Ўзбекистоннинг демократик ўзгартишлар йўлидан тинч ривожланиш шароитини, давлат ички барқарорлигини, Конституциявий тузум ҳимоясини таъминлаш.

«Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қуролли Кучларга жанговар ҳаракатларни олиб бориш тўғрисида, шунингдек, улардан фавқулодда вазиятларда фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилади ва буйруқ беради.

***Давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ишида иқтисодиётни, давлат органларини ва бошқарув тизимини уруш даврида ишлашга сафарбарлик тайёргарлиги, шунингдек ҳудудни ва мамлакат аҳолисини мудофаага тайёрлаш муҳим йўналиш ҳисобланади.***

***Бундай тайёргарлик тинчлик даврида тегишли ташкилий ва амалий тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқаришни назарда тутади.***

***Хавфсизлик масалаларини ҳамкорликда ҳал этиш зарурлигини эътироф этиб, республика коллектив хавфсизлик тизимини яратиш тарафдори бўлади.***

***Тошкентда имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Умумий хавфсизлик тўғрисидаги Шартномасининг ташаббускори бўлган Ўзбекистон:***

иқтисодий, илмий-техникавий қудратни ҳамда энергетика-коммуникация тизимини келишиб туриб ривожлантириш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш ва ҳудудни илдам ускуналашнинг;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган давлатлар ўртасида ҳарбий-иқтисодий фаолиятни ва Қуролли Кучларнинг моддий-техника таъминотини мувофиқлаштириб боришнинг муҳимлиги ва зарурлигини эътироф этади.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг ишончли мудофаа салоҳияти ва Қуролли Кучларнинг юксак жанговарлик қобилияти иқтисодий, ҳарбий-техникавий ва илмий қудратни ривожлантириш; Ўзбекистон халқларининг миллатлараро жипслиги; ҳар бир фуқарони ватанпарварлик, байналмилалчилик ва юксак тартиб-интизом руҳида тарбиялаш билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси ўз Ҳарбий доктринасининг моҳиятини эълон қилар экан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставидан, Хельсинкида имзоланган Якунловчи ҳужжатдан, Стокгольм конференцияси ҳужжатидан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган мамлакатлар билан тузилган икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар ва битимлардан ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг умум эътироф этган нормаларидан келиб чиқувчи барча халқаро мажбуриятларга қатъий риоя этилишини кафолатлайди.

* * *

**Фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга йўллашингизни сўраймиз:**

**700008, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси.**

**Телефонлар: 398-763; 398-658.**

## ЭЛЧИХОНА ХАБАР ҚИЛАДИ

Хорижий ҳукуматлардан, жамоат ва хусусий ташкилотлардан Сахалиндаги зилзила оқибатларини тугатишда ёрдам бериш тўғрисида таклифлар тушаётгани муносабати билан Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Элчихонаси маълум қиладики, ихтиёрий молиявий эҳсонларни қуйидаги ҳисоб варақаларига ўтказиш мумкин:

1. Рубл ҳисоб варақаси — фонд «Сахалин» (стихия) 747302 в РКЦ ЦБ РФ МФО 277004 Г. Южно — Сахалинск;

2. Ташқи савдо банки Тинч океан банки учун. Манзили: 40, Дзжержинск, Южносахалинск, Россия, 693000, корр. счет (ҳисоб варақаси) 08150101. Доллар ҳисоб варақаси 76701 (001, иена ҳисоб варақаси 76801) 024;

3. Ижтимоий банк Тинч океан банки учун. Манзили: 40, Дзержинск, Южносахалинск, Россия 693000 корр. счет 081204. Доллар ва иеналарга ҳисоб варақаси 76701/001.

Пул жўнатиш чоғида «Охинск районида (туманида) зилзила оқибатларини тугатишга» деб ёзиш керак.

*Биз ва жаҳон*

## ЮНИСЕФ

***Ҳурматли таҳририят! Шу йилнинг 10 апрели ва 10 майида БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан республикамизда «Миллий эмлаш кунлари» деб эълон қилинган эди. Бизга ана шу халқаро ташкилот ҳақида маълумот берсангизлар?***

**А. ЖЎРАЕВ.**
**Косон тумани.**



**Ушбу саволга ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили Ханно Гертнер жавоб беради:**

— ЮНИСЕФ БМТ таркибидаги энг нуфузли халқаро ташкилотлардан биридир. Жамғарма 1946 йилда ташкил топган. Бу жиҳатдан ЮНИСЕФ БМТнинг илк ташкилоти ҳисобланади. Ундан сўнг БМТ таркибида ЮНЕП, ПРООН, ЮНЕСКО каби қатор ташкилотлар тузилди, аммо Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ўз мақсади ва моҳияти билан бу ташкилотлардан тубдан фарқ қилади. Болалар ва оналарни ҳимоя қилиш жамғарманинг асосий мақсадидир. Ҳозирги вақтда ЮНИСЕФнинг 140 дан ортиқ мамлакатларда ўз ваколатхоналари бор. Лотин Америкаси, Осиё ва Африка қитъасидаги бир қатор ёрдамга муҳтож мамлакатларда катта дастурлар асосида иш олиб борилаяпти. Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг болалар ва оналар соғлигини сақлаш тизими бўйича ўз муаммолари бор. Шу боис ЮНИСЕФ ўзининг ҳар бир дастурини ҳукумат раҳбарлари билан келишган ҳолда амалга оширади.

1992 йилдан бошлаб ЮНИСЕФ Марказий Осиё мамлакатларидаги болалар ва оналар соғлигини ҳимоя қилиш борасида дастлабки қадамни қўйди. 1993 — 1994 йиллар ичида жамғармамиз Ўзбекистонга катта миқдорда вакциналарни (дори) ёрдам сифатида олиб келди. Умумий ёрдам миқдори эса 1995 йилгача 5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шуниси қувончлики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жамғармамизнинг ўзбек диёрида амалга ошираётган ишларини муносиб баҳолаб, 1994 йилда ЮНИСЕФ Марказий Осиё республикалари бўйича вакили Экрем Бирердинчга «Соғлом авлод учун» орденини топширди. 1994 йилнинг июнида эса Ўзбекистон Президенти болаларни ҳимоя қилиш бўйича ўтказилган олий даражадаги учрашувнинг декларациясига имзо чекди. Бу Ўзбекистон Президентининг болалар ва оналарга бўлган ғамхўрлигидан ёрқин далолатдир.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистонда ўз ваколатхонаси очилганига эндигина бир йилдан ошди. Ниятимиз — ўзбек юртида улуғвор ишларни амалга ошириб, ҳар бир бола ва онани соғлом кўришдир.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Фурқат САНАЕВ**
**ёзиб олди.**

• Ғалла мустақиллиги йўлида

# ДЕҲҚОННИНГ ПЕШОНАСИ ЯРҚИРАЙДИГАН БЎЛДИ

***ЙИГИРМА** йилдан бери Жиззах чўлида ишлайман. Мироблик, муҳандислик қилдим, бригада бошлиғи бўлиб ишладим. Менга қадрдон бўлган Моргузар тоғ этакларидаги лалмикор ерларга сув чиқарилиб, боғу бўстонга айлантиришда озми-кўпми ҳиссам борлигидан хурсандман.*

Пахта якка ҳокимлиги туфайли узоқ йиллар ғаллачиликка эътибор сусайиб кетганди. Ғаллакорларнинг эса косаси оқармасди.

Мустақиллик бундай ҳолга чек қўйди. Дон етиштириш, халқимизни ун ва нон билан таъминлаш биринчи даражали вазифа бўлиб қолди. Ғаллакорнинг елкасига офтоб тегиб, қатор имтиёзлардан баҳраманд бўлди. Булардан энг муҳими, ғалла харид нархларининг оширилишидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 15 майдаги «1995 йилда бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айни муддао бўлди.

Бу қарор шуниси билан муҳимки, у деҳқоннинг тили учида турган дардларини ўзида ифодалаган. Қарор асосида бу йил хўжаликлар томонидан қабул пунктларига донни етказиб беришга кетадиган транспорт харажатлари «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорацияси корхоналари ҳисобига қопланади. Ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топшириш бўйича қуйидан айтиладиган таклиф ва муддатларнинг инобатга олинишини, май ойидан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналарига харид қилинадиган жами дон қийматининг 40 фоизчаси аванс тариқасида берилишини, бунинг учун тегишли банклар ўрим-йиғим мавсуми қатнашчилари билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш учун хўжаликларни нақд пул билан таъминлашга жалб қилинганлигини Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан ғаллакорларга кўрсатилган катта ғамхўрлик деб биламиз.

Узоққа бормайлик, бултурнинг ўзида бир килограмм донни ярим сўм атрофида сотган эдик. Бу йил икки сўмдан сотамиз. Бундан ортиқ манфаат бўлиши мумкинми?

Хўжалигимиз аъзолари янги ўзлаштирилган ерларда учинчи йил деҳқончилик қилишяпти. Бу йил 300 гектар ғалла майдонида яхши ҳосил етиштирдик. Ўрим-йиғимни ҳам пухта тайёргарлик билан бошладик. Гектаридан ўртача 30-35 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз. Хомчўт қилиб кўрдик, агар бунга эришсак, фақат харид нархининг оширилиши эвазига икки миллион сўм атрофида даромад оларканмиз. Келгуси йилда ғаллазорларни яна икки юз гектарга кенгайтирмоқчимиз.

Хўжалигимиз давлатимиз мустақилликка эришган кунларда «туғилди». Ҳали уни номлаганимиз йўқ, 17-хўжалик ҳисобидаги участка деб юритилади. Агар бизнинг таклифимиз инобатга олинса, уни «Мустақиллик» деб аташни истардик.

Нега десангиз, биз чўлқуварлар ҳам мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга, ғалла мустақиллигига эришишга муносиб ҳисса қўшишни ният қилганмиз.

**Маҳмуд ДАРВИШЕВ,**
**Зомин туманидаги 17-хўжалик ҳисобидаги агроучастка бошлиғи.**

# ОДАМЛАРНИНГ БУ МАВСУМДАН УМИДИ КАТТА

***САМАРҚАНД** вилоятида кейинги йилларда ғаллачиликда туб бурилиш ясаш учун кўп ишлар қилинмоқда. Бир пайтлар эътиборсиз қолган бу соҳани ривожлантиришга ўтган йилдан бошлаб киришилди, десак хато бўлмас. Чунки, айнан шу йили ер майдонларининг 201 минг, жумладан сувли майдонларнинг 65 минг гектарига ғалла экилди.*



СУРАТДА: (ўнгдан) Косон туманидаги «Сурхон» жамоа-ширкат хўжалигининг биринчи ғаллачилик-пахтачилик бўлими бошлиғи И. Абдиев, комбайнчи Т. Меҳмонбабиев ва ғаллачилик бригадаси етакчиси Ф. Эшмуродовлар.

**Ш.ШАРОПОВ** олган сурат.

Давлатга 196 минг тонна дон топширилди. Аммо барча саъй-ҳаракатларга қарамай, бултур ғаллачиликда кўзланган мақсадга эришилмади. Вилоят бўйича шу соҳа билан шуғулланувчи 272 хўжаликдан атиги 60 таси режани бажарди, холос.

Шунинг учун ҳам бу йил бултур йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор берилди. Вилоятда 215 минг, жумладан 95 минг гектар суғориладиган майдонда етиштирилган ҳосил салмоғи чамалаб чиқилди. Аксарият сувли ерларда 35 центнер ва ундан ҳам юқори хирмон кўтариш имкони бор. Ҳозир вилоят раҳбариятидан тортиб, звено бошлиғигача етиштирилган ҳосилни нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш ташвиши билан банд.

Ташвиш деганимизда жон бор. Негаки, етиштирилган ҳосилни вақтида ўриб олиш учун вилоятда комбайнлар етишмайди. Айтайлик, йиғим пайтида ҳар бир комбайнга 230 гектардан майдон тўғри келиши лозим. Бунинг учун вилоятга 1200 та ана шундай машина-механизмлар керак бўлади. Вилоят хўжаликларида эса 950 та комбайн мавжуд.

Аммо вилоят ҳокимияти ва техника таъминотига мутасадди ташкилотлар муаммони ҳал этиш учун анча куч сарфлашди. Яқинда Россиядан 37 та комбайн олиб келинди. Ҳадемай яна 50 та комбайн механизаторлар қўлига тегади.

Албатта, бу ўринда ғалла ўрим-йиғимига тўсиқ бўладиган бошқа хато-камчиликлар ҳам бор. Яқинда Каттақўрғон туманидаги Марди Султонов номидаги деҳқон хўжалик уюшмасида бўлиб ўтган вилоят ғаллакорларининг маслаҳат-кенгашида ана шулар ҳақида ҳам фикр юритилди. Бир қарашда майда-чуйда ишдек туюладиган бундай нуқсонлар бартараф этилмаса, ғалла ўрими Иштихонда 60 кунга, Гўзалкентда 58 ва Жомбойда 44 кунга чўзилиши мумкин экан. Тўғри, ҳозир бу хил камчиликларнинг олдини олиш чоралари кўриляпти. Хўжаликлар имкон қадар эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминланаётир. Муҳими, уларга сотиладиган ғалла ҳисобидан кредит ажратилмоқда.

Ғалла ўрими мавсумида йиғиштирилган ҳосилни ташиш ҳам муҳим масала. Вилоятда бу иш билан боғлиқ масалалар ўз ечимини топди. Бу йил туман ва хўжаликларга «Қишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» вилоят уюшмасидан 420 та машина, қолаверса, вилоятдаги юк ташувчи корхоналар ҳам ёрдамга келади. Шунингдек, ғаллазорлар ишловчиларга қулай шароит яратишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар бир хўжаликда комбайнларни таъмирлаш-тузатиш звенолари тузилди.

Вилоятда ғалла ўримини уюшқоқлик билан ўтказишга, шу тариқа пухта тайёргарлик кўрилди. Шунинг учун ҳам унинг муваффақияти тўла таъминланади, дейишга асос бор.

**Музаффар МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*«Тоҳир ва Зуҳра» фильмининг 50 йиллигига*

# БИР ФИЛЬМНИНГ УЧ САБОҒИ

***Бу асар билан фахрланамиз. Афсонанинг асл нусхаси билан ҳам. Авлод-аждодларимиз зулмга қарши қурол, билак кучи, иродаси билангина эмас, ижодий имкониятлари, юксак идеаллари, инсоний фазилатларини ҳам намоён этиб курашганини шу кўҳна афсона эслатиб туради.***

Унинг заминида яратилган мусиқали драма ҳам саҳна санъатимизнинг, миллий маданиятимизнинг фахри бўлиб қолди. Афсонанинг саҳнадаги умрини таъминлаган Собир Абдуллага, Тўхтасин Жалиловга, театр арбобларига миннатдорчилигимиз чексиз. Экрандаги қиёфаси эса, мана 50 йилдирки, барчамизга завқ бериб келмоқда. Унинг гўзаллиги, бадиий баркамоллиги ўз вақтида қатор мақолаларда ҳикоя қилинган. Ҳар гал экран ёришиб, шоир ва тарихчи Нозим (артист Р. Ҳамроев) ҳикоясини бошлаганда севишганларнинг фожиаси билан яна бир бор танишамиз-у яна қўлга қалам оламиз. Гоҳ унинг драматургияси, гоҳ режиссураси, гоҳ мусиқаси, тасвири, актёрлар маҳорати ҳақида ёзгимиз келади. Энг муҳими, ўша фильмни бунёд этишга имкон берган сирли ижодий муҳитни билгимиз, яъни Наби аканинг устахонаси билан яқиндан танишгимиз келади. Чинакам санъат асари юракка ҳам, онгга ҳам озиқ бериши табиийдир. Мазкур кино тасмаси пайдо бўлишида Наби Ғаниевнинг ташкилотчилик қобилияти, билимдонлиги, режиссёрлик истеъдоди ҳал қилувчи омил бўлганини тан олмаслик мумкин эмас.

Аслида «Тоҳир ва Зуҳра», ҳозирги тил билан айтганда, буюртма асар, ҳомийнинг пулига суратга олинган. Буюртма берган шахс уруш қаҳрамони Собир Раҳимов, харажатларни қоплаш учун маблағ ажратган Усмон Юсупов, у раҳбарлик қилган ҳукумат. Эндиликда «буюртма фильм»га бўлган муносабат ўзгача...

Н. Ғаниев афсона устида ишлашга қодир бўлган ижодий-илмий гуруҳни тузганига аҳамият беринг: шоир, драматург Собир Абдулла ва москвалик кинодраматург Алексей Спешнев (муаллифлар), тарихчи олим Яҳё Ғуломов (маслаҳатчи), буюк актёрлар Асад Исматов (Бобохон), Обид Жалилов (вазир Аъзам), Раззоқ Ҳамроев (шоир ва тарихчи Нозим), Раҳим Пирмуҳамедов (карвонсарой қоровули, Тоҳирнинг маслакдош дўсти), мусиқа яратишга қодир бастакорлар «дуэти» Тўхтасин Жалилов ва Алексей Козловский, нафис тасвир усталари Варшам Еремян ва Даниил Демуцкий. Бундай таниқли санъат ва илм аҳли билан ёнма-ён туриб, ижод эта оладиган истеъдодли ёшларни топгани-чи?! Юлдуз Ризаева, Ғулом Тожиаълоев, Зебо Ғаниева, Хайри Ғаниева, Эсон Каримов, Дўнан Ғаниев, Қулин Ғаниев. Режиссёр ўзбек, рус, украин, армани, яҳудий миллатларининг вакилларидан ташкил топган ижодий гуруҳни уюштирган ва унинг имкониятларини асрий тарихга эга бўлган ўзбек афсонасининг фазилатларини экранда намоён этишга қаратишга эришганини алоҳида қайд қилиб ўтмоқчимиз. 40-йилларда кинонинг барча соҳаларида ишлай оладиган малакали ўзбек мутахассислари ҳали етишиб чиқмаган эди. Чунончи, сценарийнавислар, монтажчилар, мураккаб кадрларни суратга оладиган операторлар, лойиҳа яратувчи рассомлар, пардоз усталари, тасвир яратувчилар. Шундай шароитда у миллий характер, миллий руҳ, миллий шаклга эга бўлган дурдона асарни яратганидан ҳайратга келамиз. Бу биринчи сабоқдир.

Иккинчи сабоқ: асар устида ишлаш даврида устоз санъаткор Наби Ғаниев унинг фақат экрандаги тақдири ҳақидагина эмас, балки ўзбек киносининг истиқболи ҳақида қайғурганлигини ҳам дарҳол сезиб оламиз.

Бу ерда гап фақат номлари зикр этилган ёшлар кейинчалик кинода самарали ижод этгани ҳақида ҳам эмас, Наби аканинг XV аср муҳитида дунёга келган халқ ижодиёти намунасини XX аср томошабини зерикмай кўриши, қабул этиши, ундан завқ, маънавий озуқа олишини кўзлаб қилган ишлари таҳсинга лойиқ. Илмий атама билан таърифлайдиган бўлсак, ўтмиш саҳифаларни, эртак, латифа, афсоналарнинг кино нуқтаи назаридан ўрганиш, таҳлил қилиш, ўзлаштириш, экранда ифода этиш қўлланмаси тавсия этилди. Худди шу нарса фильмнинг турли шаклларини (ўзбек, туркман, татар) бир-бирига қиёс қилишга, давримизга мос келадиганларини илғаб олиб, сценарийга, фильмга кўчиришга кўмаклашади.

Учинчи сабоқ мусиқани, ашулани бадиий тўқимага сингдириб юбориш билан боғлиқ. Эслаб кўринг. Асарда бирорта ашула шунчаки, бирор драматургик «юк»сиз бериладими? У оддий концертда ижро этиладиган қўшиқ сифатида янграйдими?

Йўқ!

«Қаламлар»да ҳам, «Отмагай тонг»да ҳам, «Эй қуёш»да ҳам шундай «юк» мавжуд. Улар ижро этилаётганида воқеалар ривож этаверади. Бундай кадрларда ҳис-ҳаяжон, юрак изтироблари тасвир, актёрнинг хатти-ҳаракати, имо-ишораси билангина эмас, айтилаётган ашуланинг оҳанги, сўзи, авжи, ечими билан ҳам таърифланади.

Яна бир бор эслаб, тинглаб, тасаввур этиб кўринг уларни. Завқ оласиз, беихтиёр ўзингиз ҳам ўша қўшиқларни хиргойи қила бошлайсиз. Катта боғ. Анҳорда шовқин солиб зилол сув оқади. Тоҳир учун у ердаги ҳар бир нарса — гул, анҳор, кўприк, салобатли чинорлар ҳам азиз-мўътабар. Худди шу ерда у севгилисининг қўшиғини эшитиб қолади. Кадрда гоҳ ёқимли куй ва қушлар овози таралаётган кўм-кўк боғ манзараси, гоҳ қўшиқ айтаётган Зуҳра (Ю. Ризаева) пайдо бўлади. Тоҳир унинг ашуласига маст бўлиб анҳор бўйлаб юради. Ушбу лавҳада қўшиқ ёрдамида Зуҳранинг Тоҳир томон интилиши, усиз ҳаёт қоронғу эканлиги шеърий бир шаклда томошабинга етказилади. Айни пайтда Тоҳирнинг қувончи, маъшуқасининг ёқимли овозига маҳлиё бўлиши, ёри томон учиб кетишга тайёр эканлиги кўрсатилади, эшиттирилади.

«Эй қуёш»нинг сўзларидан келиб чиқиб, кадрлар мазмуни, композицияси, бир-бирига уланиш тартиби танланган: Тоҳир осма кўприк ёнига келаётганида кўприкни севгилиси кўтараётганини билади ва унга қўшиқ билан мурожаат этади. «Эй қуёш, кўрсат юзинг...». Қўшиқ Зуҳрага таъсир этиб, кўприкни аста тушира бошлайди. Бу кадрлар бир-бирига мантиқан силлиққина уланади. Унинг таъсир кучини ошириш учун режиссёр яна бир йўл топади. Тоҳирнинг ашуласини фақат Зуҳрагина эмас, бошқалар, хусусан ёвуз кучлар вакили Қоработир ҳам эшитиши мумкинлиги назарда тутилади. Юқорида биз эслатган кадрлар орасига бошқа яширинча кириб келаётган севишганларни пинҳона кузатиб бораётган, гап ўғирлаётган ва ҳасад билан боқаётган Қоработир (Ш. Бурхонов)нинг плани (умумий, ўрта ва йирик планлари) монтаж қилинади.

Хуллас, «Тоҳир ва Зуҳра»ни кино аҳли ижод мактаби деб билади. Биз унинг уч сабоғинигина эслатиб ўтдик, холос.

**Ҳамидулла АКБАРОВ,**
**профессор.**

# УКРАИНАЛИКЛАР БИЛАН...

***ХОРАЗМ.** Янгибозор туманига қарашли қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш устахонасидаги ижодий изланишлар ўз самарасини бера бошлади.*

Устахона ходимларининг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан украиналик шериклар ҳамкорлигида йилига минг тоннадан зиёдроқ металл қуядиган янги цех ишга туширилди. Натижада трактор ва бошқа турли техникалар учун зарур бўлган воситалар, ўнлаб эҳтиёт қисмлар бевосита ана шу ернинг ўзида ишлаб чиқариладиган бўлди. Айни пайтда эса устахона жамоаси яроқсиз ҳолга келган темир-терсакларга қайта ҳаёт бахшида этиб, қишлоқ хўжалиги ва оғир техникалар учун зарур эҳтиёт қисмлар тайёрлаш билангина чекланиб қолмасдан, балки уй-рўзғор буюмлари ҳамда деҳқонларга қулай бўлган асбоб-ускуналарни ҳам етказиб беришмоқда.

**Ўктам ДЎСТЁР.**


**TIMS` 95**

**1995 йил 10-13 июнда**
**" 1-халқаро Тошкент автосалони - 95"**
**кўргазмасига таклиф этамиз**

*Кўргазмага жаҳон етакчи фирмаларининг енгил ва юк автомобиллари ҳамда автобусларининг янги моделлари ва уларнинг иккинчи даражали қисмлари қўйилган.*

**Кўргазманинг иш вақтлари:**
1995 йил 10 июнь - 14.00 - 18.00　1995 йил 12 июнь - 10.00 - 18.00
1995 йил 11 июнь - 10.00 - 18.00　1995 йил 13 июнь - 10.00 - 18.00

Бизнинг манзил: "Динамо" теннис клуби Тошкент ш., Абдуллаев кўчаси (собиқ Горький кўчаси).
Транспортлар: метронинг М. Горький бекатидан трамвайлар - 22, 13, 6, тролллейбуслар - 18, 9.

*Сизни кўргазмамизда кутиб олишдан ғоят мамнун бўламиз!*

*БУХГАЛТЕРЛАР, СИЗЛАР УЧУН!*

*Юқори сифатли, мақбул нархларда тайёр бланка маҳсулотлари.*
**Тўлов поручениялари, касса кирим ва чиқим ордерлари, бўш графка (пустографка) лар, иш папкалари, тўлов ведомостлари ва бошқалар.**
**150 хилдан зиёд.**

**КИТОБЛАР**
- Қаттиқ муқовали 100 варақли китоблар:
- Кассага оид,
- асосий,
- иш ҳақи ёзишга оид,
- оборот (сальдо) га оид,
- канцелярияга оид,
- товар-моддий ҳисоб-китоблар учун оборотга оид,
- А-4 шаклидаги қоғозлар.

**Ҳақи пул ўтказиш ёки лимитланган чеклар орқали тўланади!**

МАНЗИЛ: Тошкент, Муқимий кўчаси, 190, "Средазтехэнерго" биноси, 229-хона.
Транспорт: 4, 9- трамвайлар, 34, 77- автобуслар, "Оқтепа майдони", метронинг "Ҳамза" бекатлари.
Телефонлар: 77-94-56, 77-94-59, соат 9 дан 13 гача.

*"ЭМАЛЬ"*
**акционерлик уюшмаси**
**корхона ва ташкилотларга юқори сифатли ранго-ранг эмаль бўёқларни чекланмаган миқдорда тавсия этади.**
*Бундай маҳсулотни фақат биздан олиш мумкин.*
*"Эмаль" акционерлик уюшмасининг манзили:*
*700015. Тошкент, 3-тор кўча Фарғона йўли, 73.*
*Маълумот учун телефонлар:*
*91-56-20, 34-31-19.*
*Биз сизни кутамиз!*

**Ўзбекистон Республикаси**
*"Фан ва тараққиёт"*
**илмий-технологик комплекси**

1995 йилда **докторантурага** қуйидаги ихтисослар бўйича: *машинасозликда материалшунослик-1, полимерлар физикаси-1, композицион материаллар химияси ва технологияси-1* ва **аспирантурага** қуйидаги: *полимерлар физикаси-2, композицион материаллар химия ва технологияси-1, юза химияси, технологияси ва физикаси-1, машинасозликда материалшунослик-1* - ихтисослари бўйича қабул эълон қилади.

Хужжатлар, эълон газетада чоп этилган кундан бошлаб шу йилнинг 1 сентябригача қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзилгоҳ:**
700095, Студентлар шаҳарчаси, Мирзо Ғолиб кўчаси 7а-уй, "Фан ва тараққиёт" комплекси.
**Телефонлар:**
46-39-28, 46-39-41, 46-53-35.

**П.П.БЕНЬКОВ НОМЛИ РЕСПУБЛИКА РАССОМЧИЛИК БИЛИМ ЮРТИГА 1995 / 96 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚАБУЛ ҚОИДАСИ.**

Билим юртига 30 ёшгача бўлган 9-11 синфни битирганлар қабул қилинади.
Абитуриентлар 5 июндан 5 июлгача қуйидаги уй вазифаларини:
**қалам тасвир** – 5 - 6 қоғоз;
**ранг тасвир** – 5 - 6 қоғоз;
**композиция** – 5 - 6 қоғоз
(ҳажми 40 х 60 см.) кўрик ҳайъатига топширадилар.

Кўрик ҳайъатидан ўтганлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:
1. Директор номига ариза;
2. Тиббий маълумотнома (форма 86);
3. Маълумоти ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат;
4. Ҳарбий хизмат билети ёки 17 ёшлилар учун ҳарбий гувоҳнома, ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома;
5. 3 х 4 ўлчамидаги 6 дона расм ;
6. Турар жойидан маълумотнома.

**Абитуриентлар қуйидаги имтиҳонларни топширадилар:**
- **Қалам тасвир, ранг тасвир, композиция,**
- **она тили ва адабиёт фанидан диктант.**

Имтиҳон учун керакли ашёларни абитуриентларнинг ўзлари олиб келишлари керак.

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул қилинади:



1. Ранг тасвир.
2. Дизайн.
3. Наққошлик.
4. Ёғоч ўймакорлик.
5. Ҳайкалтарошлик.
6. Бутафория.
7. Саҳна безаги.
8. Бадиий грим.
9. Бадиий либос.
10. Кулолчилик.

Ўқиш муддати 4 – 5 йил. Билим юрти ётоқхонага эга эмас.
Кириш имтиҳонлари 6 июлдан бошланади.

**Манзил: Тошкент – 700020, Фурқат кўчаси, 6 – уй. (Цирк атрофида).**
**Трамвайлар: 7, 8, 15, 16.**
**Автобуслар: 32, 11, 36, 47, 43.**
**Троллейбуслар: 4, 20, 22.**
**"Ҳадра" бекати.**

*. Ўзбекистон ва жаҳон*

***Апрель ойида Корея Республикаси пойтахти Сеуль шаҳрида тасвирий санъат усталарининг 1-Халқаро ўзбек-корейс-хитой бадиий кўргазмаси иш бошлаган эди.***

***Бу анжуманда юртдошларимиздан П. Беньков номидаги республика рассомлик санъати билим юрти директори ва бу жамоанинг бир гуруҳ мусаввирлари иштирок этишди. Мухбиримиз кўргазма қатнашчиси, билим юрти директори, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси аъзоси Т. ҚЎЗИЕВ билан Корея таассуротлари ҳақида суҳбатлашди.***

# МУСАВВИРЛАР ЯРАТГАН КЎПРИК

**— Турсунали ака, Сеулдаги кўргазма ҳақида қисқача гапириб берсангиз.**

— Сеуль — ниҳоятда гўзал шаҳар экан. Шаҳарда 11 миллион одам яшайди. Кўчалари озода ва шинам, даструмолингиз ерга тушса кир бўлмайди. У ерда дунёнинг барча мамлакатлари фуқароларини учратиш мумкин. Корея нафақат биз ўйлагандай ишбилармонларнинг юрти, балки олимлар, фозиллар, маданият аҳлининг ҳам макони экан. Ҳар йили ўнлаб жаҳон миқёсидаги халқаро кўргазмалар, анжуманлар бўлиб ўтади. Бу шаҳар бугун французни кузатса, эртага америкаликни кутиб олади. Меҳмондўстлиги ўзбекдай. Биз қатнашган уч давлат мусаввирларининг йиғини ҳам салмоқли анжуманлардан биридир. Нимагаки, 1995 йил бу мамлакатда Тасвирий санъат йили деб эълон қилинган экан.

Уч давлат кўргазмасини ташкил қилишдан мақсад корейс халқини ўзбек ва хитой мусаввирларининг ижоди билан чуқурроқ таништиришдир. Республикасида катта нуфузга эга бўлган Ки-Би-Эс телерадиокомпанияси эътиборидан ҳам четда қолгани йўқ. Улар бу мавзуда 10 дан ортиқ ҳужжатли фильм ва кўрсатувлар тайёрлашган бўлсалар, шундан 6 таси бевосита Ўзбекистон ҳақидадир. Компания бу билан ҳам чекланиб қолмасдан, Япониянинг машҳур Эн-Эч-Кей телерадиокомпаниясидан юртимиз ҳақидаги фильмларни сотиб олиб мухлисларига тақдим этишган.

**— Кўргазма шиори қандай номланади?**

— «Сеулда уч жило» деб. Кўчаларга осилган кўргазмадан дарак берувчи лавҳаларда уч хил ранг, уч давлат тасвирий санъат ижодкорларининг рамзи сифатида тушунилди. Ўша ранглар Корея байроғидан олинган тим кўк ранг, Ўзбекистон байроғининг оч ҳаво ранги, Хитой туғининг ол рангидан нишонадир.



Айтиш керакки — буни билгандан сўнг уларга ҳурматимиз янада ортиб кетди. Кореяликлар миллий тасвирий санъатимиз билан анча-мунча таниш эканлар.

**— Жумладан...**

— Президентларимизнинг ўзаро борди-келдиси ўз мевасини беряпти. 1993 йил Корея Республикаси бир гуруҳ рассомлари юртимизга келишганди. Улар зўр таассуротлар билан қайтишган экан, Ўзбекистонни роса реклама қилишибди. Профессор-рассом Йо Янг Ву мақолаларини бошқа газеталар кўчириб босганини тушунса бўлади. Хуллас, Ўзбекистон ҳақидаги мақолалар корейс газеталари ўртасида талаш бўлибди.

Яна бир гап: Буюк ипак йўли бўйлаб ўтказилган экспедиция ва анжуманлар бутун жаҳон жамоатчилиги диққат марказида бўлганлиги барчага маълум. Бу тадбирлар Корея

Кўргазма Сеуль шаҳридаги Корея рассомлар ассоциациясининг замонавий тасвирий санъат галереясида очилди. Тантанали маросимда Корея ҳукумати, парламенти, маданият вазирлиги вакиллари, олимлар, ёзувчи ва журналистлар қатнашди. Биринчи давлат телеканали кўргазма ишини мунтазам ёритиб турди. Таниқли корейс рассоми, профессор Ли Ду Шик кўргазма очилишида сўзлаган нутқида Ўзбекистонда яшаётган корейсларга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун мамлакат раҳбариятига чуқур миннатдорчилигини етказишимизни сўради.

Биз — ўзбекистонлик уч нафар мусаввир 60 дан ортиқ тасвирий санъат намуналарини кўргазмага қўйдик. 16 кун давомида Сеуль, Инчхон, Панмунчжо шаҳарларида бўлдик, суратлар намойиш қилдик.

**— Кореяга олиб борган суратларингизнинг мавзуи қандай эди?**

— Биз суратлар галереясини «Ўзбекистон: замин ва одамлар» деб номладик. Олиб борилган ҳар бир асар Ўзбекистоннинг бир парчаси эди. Кўргазмани томоша қилган санъат ихлосмандларини, айниқса, миллий кийимдаги ўзбек боболари ва момолари, юртимизнинг гўзал табиати манзаралари, заминимиз ноз-неъматлари тасвирлари жуда қизиқтириб қолди. В. Аннинг Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур даврини акс эттирувчи лак миниатюралари таъсис этилган дипломлардан бирини олди. Шоирахоннинг асарлари олдида томошабинлар қизиқсиниб суратга тушдилар.



Мақтаниш эмас, кўргазмага атаб нашр этилган суратлар тўплами ўзбек мусаввирларининг асарлари билан бошланганлиги бизни фавқулодда ҳаяжонга солди. Бўлмаса Хитойдан 30 мусаввир, Кореянинг ўзидан 160 мусаввир манаман деб, келтирган асарлари билан қатнашаётган эди. Мана сизга хориждаги Ўзбекистон!

**— Корейслар қайси рангни хуш кўришади?**

— Сакура рангини. Бу биздаги гилосга ўхшаб оч пушти гуллайдиган дарахт гули.

**— Уларнинг кўргазмадаги асарларида қайси мавзу етакчи ўринни эгаллаган?**

— Ватан!... Ҳозир буни изоҳлайман. Масалан, корейс мусаввирлари Ватикан манзараларини, Париждаги Эйфель минорасини ойлаб ётиб чизиб келиши мумкин, яна маҳорат билан. Бироқ, суратларни кўргазмага қўйишга тўғри келса, уларни эмас, кичкина қишлоғининг, уйи ёнида ўсган бутанинг тасвирини қўяди. Ва ютиб чиқади. Чунки Ватан туйғуси барча миллат вакиллари учун ҳам муқаддас-да. У инсоннинг қон-қонида кезиб юради.



**— Маъзур тутасиз, корейслар нима сабабдан елпиғични яхши кўришади?**

— Мен ҳам сафарда шуни сўрагандим. Қаранг, улар нима дейди? Кореяда тараққиёт осмонлаб кетган. Автомобилларнинг компьютеру видеолар билан жиҳозланганини қўя туринг, кўчада кетаётган пиёданинг белида ҳам иккита телефон осиғлиқ. Тараққиёт шиддатларидан омон қолиш учун ҳам корейс халқи ўзининг тарихий илдизларини маҳкам ушлашган экан. Елпиғич, овқат егич чўплар, бамбукдан қилинган ашёларни ишлатиш аждодлардан мерос. Елпиғич, агар таъбир жоиз бўлса, «тараққиёт тумори»дир. Елпиғич ҳам санъат асаридир. Диққат қилиб қаралса, уларнинг ҳар бирига ўзгача бир дид билан турли манзаралар битилган бўлади.

**— Кореяда рассомнинг мавқеи қандай?**

— Корея «рассомпараст» юрт экан. Мусаввирлик бўйича махсус мактаб, коллеж, институт ва университетлар бор экан. Бизда битта рассомлар уюшмаси бўлса, уларда мусаввирликнинг ҳар бир бўлими бўйича уюшмалар мавжуд: Акварелчилар уюшмаси, Графикчилар уюшмаси, Амалиёт санъатчилар уюшмаси... Қисқаси, мамлакат тасвирий санъат билимгоҳларидан йилига минглаб рассом етишиб чиқади.

**— Шунча рассом зарурмикан?**

— Сиз Корея саноатида экспорт ҳажми ҳаддан ташқари катта эканлигига эътибор қилинг. Четга чиқаётган ҳар бир маҳсулотга Корея қиёфасини киритиш учун минглаб рассом, дизайнер, безакчилар керак. Саноат ривожланган жойда рассом ҳеч қачон ишсиз қолмайди.

**— Сафардан сўнг сизда Корея манзараларини чизиш нияти туғилдими?**

— Ҳа. Дарвоқе, Кореяни ўз



рассомлари маромига етказиб, кўп ва хўп тасвирлашган. Мен ўзбек мусаввири нигоҳи билан кузатдим ва у юрт ҳаётини ўзимга хос тарзда тасвирламоқчиман.

**— Улар юртимиз ҳақида нималарни билишаркин?**

— Агар бундан ўн йиллар муқаддам Корея Республикасида чоп этилган собиқ Иттифоқ ҳақидаги китобларни кўздан кечирадиган бўлсак, уларнинг муқоваларида қўҳна Самарқанд, Бухоро обидаларининг тасвирларини кўрамиз. Бу ҳам уларнинг азалдан юртимизга қизиқиши катта эканлигидан далолатдир. Ўша вақтларда ҳам баъзи корейс мусаввирлари юртимизга келмаган бўлсаларда, турли манбалардан фойдаланиб Ўзбекистонни тасвирловчи асарлар ижод этишган. Афсуски у даврлар бошқа эди...

Мен сафар давомида Хонг Ик, Юан Хи, Сюнгчин университетларида маърузалар қилдим. Ана шунда кўплаб талабалар Ўзбекистонга келиб таҳсил олиш, миллий мумтоз мусаввирчилигимиз сирларини ўрганиш истаги борлигини билдиришди. Ҳолбуки, корейс талабалари Америкада таҳсил олишга ҳаракат қилишади. Шу боис уларда Ўзбекистонда ўқиймиз деган орзунинг пайдо бўлиши бизнинг юртимиз ҳаётидан бохабарлигини англатади.

Мамлакатнинг энг гўзал ва қадимий обидаларга бой шаҳарларидан бири — Панмунчжода бўлдик. Сафар давомида бизга Сеуль университети профессори Ко ҳамроҳлик қилди. Шаҳар чегарага яқин, шу боис ҳам бу ерда ҳужжатларни текшириб ўтказишади. Текширув пункти зобити бизнинг қайси давлат фуқароси эканлигимиз билан қизиқди. Профессор Кодан Ўзбекистондан эканлигимизни билгач, бизга қарата самимий табассум билан «О, Ўзбекистон, Президент Каримов», дея хитоб қилди. Таржимонсиз ҳам англаб бўладиган бу сўзлардан бутун вужудим ёқимли жимирлаб кетди. Сўнг таржимон орқали у билан суҳбатлашдик. Зобитнинг айтишича, юртбошимизнинг Корея Республикасига расмий ташрифи корейс халқида катта қизиқиш уйғотган. У кишига «Мгунхва» катта орденининг топширилиши ҳам бежиз эмас, деди.

Умуман, бу юртда бизни яхши кўришаркан. Профессор Чанг дизайн ўқитиш методикаси соҳасида 40 дан ортиқ китоб ёзган рассом-олим. У яқинда Янги Зеландияда нашр қилинган «Корея ва Янги Зеландия» қўшма каталогида Ўзбекистон тасвирий санъати ҳақида кўплаб маълумотлар келтирган. Демак, корейс биродарларимиз нафақат бизни кашф этишаяпти, балки юртимизни жаҳонга тарғиб қилишаяпти ҳам.

**— Кореялик ҳамкасбларингиз ижодидаги қайси хусусият сизга манзур бўлди?**

— Меҳнатсеварлик, тиришқоқлик ва дид. Сизга бир гапни айтай. Тасвирий санъат дизайни университетидан шу ерлик бир ҳамкасбимиз қуёш чиқиш манзарасини тасвирга олиш учун бир ой мобайнида тоғда яшаган. Минггингчи сурат кўнгилдагидай чиққач, Италияга конкурсга юборади ва бош соврин — «Гран При»ни олади.

**— Турсунали ака, суҳбатимиз якунида истакларингизни ҳам айтсангиз.**

— Ўзбек-корейс дўстлиги ҳамиша барқарор бўлаверсин. Бу дўстлик келажакда халқларимиз тасвирий санъатининг бойишида ҳам ўз самарасини беради.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Юсуф ҲАМИДОВ**
**суҳбатлашди.**

СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.

*Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг*

## КЎЗ КЎРИБ, ҚУЛОҚ ЭШИТМАГАН ҒАРОЙИБОТЛАР

***Бундан икки йил олдин Америка Қўшма Штатларида инглиз ёзувчиси Билл Шуллнинг «Барҳаёт жониворлар дўсту содиқларимиз, уларнинг ўлимидан сўнгги ҳаёти» китоби чиқди.***

***Қуйида ўша китобдан айрим лавҳаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.***

... Колорадо штатида яшовчи Френк Талберт уйида ёлғиз ухлаб ётарди. Ташқарида шамол қутурар, момоқалдироқ қарсилларди. Бир пайт эшик ортидан итнинг аккиллаши уни уйғотиб юборди. «Бирон нажот истаб келгандиров, ҳайтовур» деган ўйда Фрэнк эшикни очди. Сеттер зотидан бўлган малларанг оқтўш кучук остонада унга ғалати тикилиб турарди. Ит уйга кириш ўрнига аста-секин ҳовлига қараб кета бошлади.

Фрэнк, бу ерда бир гап борга ўхшайди-ёв, деб эгнига курткасини ташлаб, электр фонусини олди-да ҳовлига чиқди. У уйдан 30-40 метрча масофа узоқлашгач, кўз очиб юмгунча чақмоқ тушиб, уй ловуллаётган аланга ичида қолди.

Фрэнк хиёл олисдаги қўшниларникига бориб тонг оттириш учун гараждаги машинасини юргизаётиб, ўзини ҳалокатдан сақлаб қолган ит ёдига тушди-да, ҳамма ёққа аланглай бошлади. Бироқ кучук кўздан ғойиб бўлганди.

Қўшнисиникига етиб келгач, Фрэнк бўлган воқеани унга сўзлаб берди. Нимагадир ҳамсояси ҳаяжонланарди. «Назаримда, сиз худди менинг Сэнди лақабли итим ҳақида гапираётгандайсиз», — деди у зўрға ўзини босиб. «Сэндингиз ҳозир қаерда? У менинг ҳаётимни сақлаб қолди». Бунга жавобан итнинг эгаси эшитилар-эшитилмас «Бундан икки ой муқаддам ўлган»... — дея олди, холос.

***

Робин Деланд ҳам колорадолик. У ярим тунда ёлғиз ўзи машинасида бир томони кўкка бўй чўзган тоғ, иккинчи чети тубсиз жарликдан иборат йўлда кетиб борарди. Бирданига машина чироқлари ёруғида йўлнинг қоқ ўртасида туриб олган кучукни кўриб қолди. Робин машинани эпчиллик билан тўхтатиб, не кўз билан кўрсинки, унинг қаршисида бундан олти ой олдин ўлган ўзининг Жефф лақабли ити турарди. У қўрқувдан қотиб қолди. Бу пайтда кучук 20-30 метрлар юрилгач, кескин буриладиган йўл томонга кетиб борарди.

Робин кучукка эргашди. Олисни кўришга ҳийла ҳалақит берадиган баланд қоядан ўтгач, йўлнинг қоқ ўртасига катта харсангтош қулаб тушганлигини кўриб қолди. Башарти уни Жефф вақтида тўхтатиб қолмаганида, у қоронғида харсангтошни дарров илғай олмасдан тубсиз жарликка қулаб кетарди-да.

У ўзини тутиб олгунча эса... ит кўздан ғойиб бўлганди.

***

Рэй билан Сйузен Петерслар қоқ тунда кучукнинг жон ҳолатда ҳуришидан уйғониб кетишди. Эр кўзини очди-ю тутун ҳидини сезиб қолди. Ваннахонада нимадир ёнаётганди.

Маълум бўлишича, уларнинг қўшнисиям ҳовлида ит ҳуришидан уйғониб кетган. Петерсларнинг уйи ёнаётганини кўриб, ўт ўчирувчиларни чақиришгаям улгурганди. Қўшниси уларга: «Худога шукурлар бўлсинки, итингиз бизларни вақтида огоҳлантирди. Мен Макингиз ўлгач, бошқа кучук олганингизни билмабман ҳам», деди. Шунда эрхотиннинг ранги бирдан ўчиб кетди. Чунки, уларнинг бошқа кучуги йўқ эди.

**Илҳом ҲАФИЗОВ**
**таржимаси.**

Қашқадарё вилояти, Ғузор туманидаги «Техник хизмат» корхонасининг муҳри босилган 25, —26,—27 сонли ишонч қоғозларининг йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## МАҲАЛЛАДОШЛАР МАМНУН

Касби туманидаги Алишер Навоий номли жамоа-ширкат хўжалиги Тошқудуқ маҳалласида қурилган замонавий услубдаги 2 қаватли магазин, қариялар чойхонаси, маиший хизмат шохобчалари ва дўконларда аҳолига намунали хизмат кўрсатилмоқда. Айниқса, ака-ука Бўроновлар тасарруфидаги савдо шохобчасида зарурат учун керак бўлган 8 турдаги маҳсулот ҳар доим топилиши билан бирга қурилиш ашёлари ҳам сотилмоқда. Уни алоҳида шахслар ва хўжаликлар пул ўтказиш йўли билан харид қилишлари мумкин. Бу янги иморат қуриш иштиёқида юрган одамларнинг оворагарчилигига чек қўйди.

**Жўра ЮСУПОВ.**

*Мухбиримиз бонг уради*

# «ПАХТАКОР» НЕГА ОҚСАЯПТИ?

***Мана тўртинчи йилдирки, футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказиляпти. Шунча йилдирки, «Пахтакор» жамоаси ўз мухлислари ишончини оқламаяпти. Тўғри, илк чемпионатни «Пахтакор» «Нефтчи» билан бир хил натижада якунлади. Лекин ўша давргача республиканинг бош жамоаси ҳисобланган «Пахтакор»дан мухлислари ғолибликни кутишганди. Ҳали-ҳануз улар «Пахтакор»дан Фёдоров, Ан, Аширов каби футболчилар тўп сурган пайтлардаги каби чиройли ва мазмунли ўйинларни кутишяпти, жамоанинг ўзини тиклаб олишига умид қилишяпти, лекин...***

Ўтган йилги мавсум сўнггида «Пахтакор» мухлислари ва республикамиз спорт ишқибозлари орасида хушхабар тарқалди: «Келаси йилдан юртимизга Европадан футбол мураббийлари ишга таклиф қилинармиш», «Пахтакор»га Голландиянинг «Витесс» жамоасининг собиқ мураббийси келармиш». Мавсум арафасида эса бу миш-мишлар айни ҳақиқатга айланди. Тўғри, «Пахтакор»га «Витесс»нинг собиқ мураббийси эмас, ҳар ҳолда голландиялик футбол мутахассиси бош мураббий бўлиб келди. Буни эшитган «Пахтакор» мухлислари бениҳоя қувонишди. Чунки жамоада йилда икки-уч марта мураббий алмашиши уларнинг ҳам жонига теккан, клубдаги носпортча муҳитнинг ана шу хорижлик мутахассис туфайли барҳам топишига умид боғлашган эди. Мана, голландиялик мутахассис Йоханес Хендрик Ферел «Пахтакор»да иш бошлаганига ҳам беш ойча вақт бўлди. Хўш, нима ўзгарди?

Албатта, соф спорт нуқтаи-назари билан қараганда, бирор ютуқ ҳақида гапиришга бу давр озлик қилади. «Пахтакор»нинг жисмоний тайёргарлик, тактик ва ўйин мазмундорлигини ошириш жиҳатидан келажакда яхши натижаларга эришишига шубҳа қилмаймиз. Бунга биз Қибрай спорт мажмуида «Пахтакор» футболчиларининг хорижий мураббий билан биргаликда ўтказаётган машғулотларини кузатиб амин бўлдик ва ҳатто бундай кенг кўламли, тинимсиз машғулотларга ўрганмаган бизнинг футболчилар учун Ферелнинг услуби оғирлик қилмасмикин, деган мулоҳазаларга ҳам бордик. Чунки чемпионат ўйинларида «Пахтакор» футболчиларида чарчоқлик кайфияти сезилиб туради. Бунга пахтакорчиларнинг «Нефтчи», «Нурафшон», «Янгиер» ва ниҳоят сўнгги турда МҲСК жамоалари билан бўлган ўйинларда дастлаб ҳисобда олдинда бориб, сўнгги дақиқаларда ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юборганликларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Биз шундай деб ўйладик. «Пахтакор» бош мураббийси эса МҲСК билан бўлган ўйиндан сўнг томоман бошқа фикрни билдирди:

— Шогирдларимдан баъзиларининг бугунги ўйинидан қониқдим, — деди Ферел. — «Пахтакор»нинг сўнгги дақиқаларда тўп ўтказиб юбориши машғулотларни маромигача етказаолмаётганимиз билан изоҳланади. Жамоамиз олдида жуда кўп муаммолар бор. Жумладан, МҲСК билан ўйиндан икки кун олдин машғулотлар ўтказиш базамизда (Қибрайда) электр бўлмади. Натижада ошхона тақа-тақ ёпилди. Иссиқ сув йўқ. Кийим алмаштириш, қуритиш хоналари талабга жавоб бермайди. Бир қарашда булар оддий камчиликлар бўлиб кўринади, профессионаллар эса унга жиддий нуқсон сифатида қарашади. Мен футболчиларга уй-уйига жавоб бериб юборишга мажбур бўлдим. Кеча умуман машғулот ўтказганимиз йўқ. Бугун эса ўйинчиларни ўйин олдидан кўрдим. Шу аҳволда ишлаб бўладими?

— «Пахтакор» учун яратилган шарт-шароитларнинг кўнгилдагидек эмаслигида кимни айблайсиз?

— Буни билмадим, у менинг вазифамга кирмайди, мен фақат футболчиларнинг маҳоратини ошириш ва уларни ўйинга тайёрлаш билан шуғулланаман.

Ҳа, гарчи эндиликда собиқ Иттифоқ чемпионати ўтказилмаётган, «Пахтакор» эса республикамиз футбол шарафини ҳимоя қиладиган бош жамоа ҳисобланмаётган бўлса-да, жамоанинг бугунги аҳволи бизни ҳам бефарқ қолдирмайди. Негаки, «Пахтакор» 50-йиллардан буён республикамиз футбол мухлисларининг севимли жамоаси бўлиб келган. Ўн минглаб мухлисларнинг ҳаёти ва қувончи бевосита шу жамоа билан боғланади. Улар айни кунда ҳам жамоанинг ютуқ ва камчиликларига бефарқ қаролмайдилар.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиш жоиз. Айни кунда майдонларимизга футбол маданиятини олиб кириш ҳақида жон койитаяпмиз. Матбуотда футболчиларнинг ҳакам қарорига норозилик билдириши ҳолатлари бир неча бор танқид қилинди. Чунки ҳакам ноҳақ бўлганда ҳам футболчининг ҳакам билан айтишишга ҳаққи йўқ. Ўзбекистон футбол федерацияси бундай айтишувларга тамоман чек қўйишнинг чорасини кўриши лозим.

Бу борада, яъни ҳакамлар билан жиққа-мушт бўлишгача боришда республикамизнинг энг нуфузли жамоаси пахтакорчиларнинг ҳар йилгидек бу йил ҳам «ўрнак» бўлишаётгани ачинарлидир. Бу, айниқса, «Нурафшон» билан бўлган учрашувда яққол кўринди. Мухлислар «Пахтакор»даги ўзини аллақачон «юлдуз» санаётган футболчиларнинг майдонда болаларча ўзларини тута билмасликларидан ранжишди. Буларнинг ҳаммаси жамоада тартиб-интизом ўта бўшлигидан далолат беради. Ахир бу аҳвол қачонгача давом этади?

* * *

11-турнинг марказий учрашуви бўлган «Пахтакор» ва МҲСК ўйинида Рустам Дўрмонов кўпроқ кўзга ташланиб турди. Аввалги йиллари Рустам ўзининг маҳоратли ўйинлари билан обрў-эътибор қозонган бўлса, бу сафар у «ўйиндан ташқари ҳолат»ларда ва жамоадошлари ҳамда ҳакамларга «ақл ўргатиш» борасида намуна кўрсатди. Деярли тенг кураш остида ўтган учрашув 1:1 ҳисобида якунланди.

Ушбу турда қарийб икки йилдан буён мамлакат чемпионатида мағлубият нималигини билмай келаётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси Андижонда «Наврўз»дан 2:0 ҳисобида мағлубиятга учради. («Нефтчи» сўнгги марта 1993 йил 3 октябрь куни «Пахтакор» жамоасидан Тошкентда 5:4 ҳисобида мағлубиятга учраган эди). 11-турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Сўғдиёна» — «Динамо» — 2:0, «Политотдел» — «Темирйўлчи» — 4:0, «Трактор» — «Навбаҳор» — 1:1, АСК — «Нурафшон» — 0:3, «Янгиер» — «Машъал» — 4:0, «Атласчи» — «Чирчиқ» — 1:1.

Навбатдаги тур учрашувлари 11 июнда ўтказилади.

**Р. ЭРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ТУРНИР ЖАДВАЛИ**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Нефтчи» | 11 | 8 | 2 | 1 | 29:10 | 26 |
| 2. «Нурафшон» | 11 | 7 | 1 | 3 | 27:17 | 22 |
| 3. МҲСК | 11 | 6 | 3 | 2 | 21:8 | 21 |
| 4. «Навбаҳор» | 11 | 6 | 3 | 2 | 12:8 | 21 |
| 5. «Пахтакор» | 11 | 5 | 4 | 2 | 20:10 | 19 |
| 6. «Наврўз» | 11 | 5 | 3 | 3 | 15:10 | 18 |
| 7. «Сўғдиёна» | 11 | 5 | 1 | 5 | 21:14 | 16 |
| 8. «Янгиер» | 11 | 4 | 3 | 4 | 15:10 | 15 |
| 9. «Атласчи» | 11 | 4 | 2 | 5 | 11:18 | 14 |
| 10. «Трактор» | 11 | 3 | 4 | 4 | 8:10 | 13 |
| 11. «Темирйўлчи» | 11 | 4 | 0 | 7 | 8:21 | 12 |
| 12. АСК | 11 | 3 | 3 | 5 | 15:21 | 12 |
| 13. «Динамо» | 11 | 2 | 3 | 6 | 4:17 | 9 |
| 14. «Машъал» | 11 | 2 | 3 | 6 | 6:20 | 9 |
| 15. «Политотдел» | 11 | 2 | 2 | 7 | 14:25 | 8 |
| 16. «Чирчиқ» | 11 | 1 | 5 | 5 | 7:14 | 8 |

«Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси раҳбарияти ва жамоаси Косонсой шаҳар «Атлас» ҳиссадорлик жамияти раиси
**Файзулло АКРАМОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига ҳамдардлик изҳор этадилар.

Тошкентдаги Абу Али ибн Сино номли 1-шаҳар клиник касалхонаси маъмурияти ва урология клиникаси ходимлари бўлим мудири Х.М.Отамуродовга отаси
**Мирза ОТАМУРОДОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Ахборот 36-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — К. Рихсиев
Навбатчи — Р. Жумаев.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0255. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 1 2 3 4 5 6